

# ЖАЛҚ СЎЗИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган



2001 йил 12 апрел  
пайшанба  
Сотувда эркин нархда  
№ 72 (2634)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

## Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгашининг ҚАРОРИ

### Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига сайлов ўтказишни ташкил этиш тўғрисида

Фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва улар маслаҳатчиларининг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 105-моддасида ва "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги Қонун 20-моддасида белгиланган ваколат муддати 2001 йилнинг май-июн ойларида тугаши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Кенгаши ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари 2001 йилнинг май-июн ойларида фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва улар маслаҳатчиларининг сайловини ўтказишни ташкил этиш.
2. Қонун ҳужжатлари таллабларига риоя этиш ҳамда сайловни ташкилий жиҳатдан юксак даражада ўтказиш мақсадида "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига сайлов ўтказишни ташкил этиш ва уни ўтказиш тўғрисида"ги намунавий низом тасдиқлансин.
3. Шу муносабат билан: туман ва шаҳарлар ҳокимларига — фуқаролар йиғинларини ўтказишга тайёргарлик кўриши ва уларни ўтказишда, ташкилотчилик қобилиятига ҳамда аҳоли ўртасида юқори обрў-эътибор ва ҳурматга сазовор бўлган, давлат ҳокимияти органлари ваколатларининг бир қисми босқичма-босқич фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига берилиши муносабати билан ушбу органлар олдида турган вазифаларни ҳал этишга қодир бўлган шахслар орасидан фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари лавозимларига кадрлар танлашда қўмақлансин.
4. Олий Мажлис Кенгашининг фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига сайлов ўтказишни ташкил этишга доир тадбирлари тасдиқлансин.
5. Олий Мажлис Котибияти Олий Мажлисида доимий асосда ишловчи депутатлар ва Котибият ходимларининг фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига ўтказиладиган сайловларга тайёргарлик кўриши ва уни ўтказишда амалий ёрдам кўрсатиши учун жойларга чиқишларини ташкил этсин.
6. Олий Мажлисининг Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари кўмитаси сайловлар жараёнида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини такомиллаштириш масалалари юзасидан билдирилган тақлифларни умумлаштириши ва жорий йилнинг 15 июлига қадар фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва улар маслаҳатчиларининг сайлови яқунлари тўғрисида Олий Мажлис Кенгашига ахборот берсин.

Ўзбекистон Республикаси  
Олий Мажлисининг Раиси **Э. ХАЛИЛОВ**

Тошкент шаҳри,  
2001 йил 9 апрел.

### ПАРЛАМЕНТДА УЧРАШУВ

Мамлакатимизга ташриф буюрган Хитой Халқ Республикаси Давлат кенгаши раисининг ўринбосари Ли Ланьцин бошчилигидаги делегация аъзолари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси раиси Э.Халилов билан учрашди.

Мулоқот чоғида Ўзбекистон билан Хитой ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик, жумладан, сиёсий ва савдо-иқтисодий, маданий, илмий-техникавий алоқаларни янада мустаҳкамлаш билан боғлиқ масалалар хусусида фикр алмашилди. Шунингдек, икки давлат ўртасида парламентлараро муносабатларни кучайтириш тўғрисида сўз борди.


(ЎЗА).

### ҲУЖЖАТЛАР ИМЗОЛАНДИ

Пойтахтдаги "Интерконтинентал" меҳмонхонасида Хитой ва Ўзбекистон ўртасида ҳужжатлар имзолаш маросими бўлиб ўтди. Ўзбекистон Республикаси ҳукумати ва Хитой Халқ Республикаси ҳукумати ўртасида Ўзбекистон ҳукумати Хитой ҳукумати томонидан фойсиз кредит бериш тўғрисидаги битимга имзо чекиди. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси ҳукумати ХХР ҳукумати томонидан 5 миллион юан ҳажмида бегараз ёрдам кўрсатиш тўғрисида Алмашув ноталари имзоланди.

(ЎЗА).

СУРАТЛАРДА: қабул пойти.  
Муҳаммад АМИН олган  
суратлар.



## ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 11 апрел куни Оқсаройда Хитой Халқ Республикаси Давлат кенгаши раисининг ўринбосари Ли Ланьцин раҳбарлигидаги делегация аъзоларини қабул қилди.

— Сиз Ўзбекистон учун тарихий шахс эканлигинизни мамлакатимиз аҳли яхши би-

лади, — деди Ислам Каримов меҳмонга. — 1992 йили Тошкентга келиб, икки мамлакат ўртасида дипломатия муносабатлари ўрнатилган тўғрисидаги ҳужжатга имзо чеккансиз. Шундан кейин ўтган даврда жуда кўп ишлар қилинди. Шу кунгача ўзаро муносабатларимизга қонуний асос сифатида хизмат қилиб келаёт-

ган эллиқдан ортиқ ҳужжат қабул қилинган. Ўзбекистон бундан буён ҳам ўзаро алоқаларни ривожлантириш йўлида изчил саъй-ҳаракат қилишга тайёр.

Хитой делегацияси раҳбари самимий қабул учун Президентимизга миннатдорлик билдирди. Ўзбекистонга ташрифидан кўзланган мақсадлари ҳақида

сўзлар экан, икки томонлама алоқалар асосида мустаҳкам ва ўзаро ишончга таянувчи сиёсий муносабатларни изчил қўламини янада кенгайтиришга оид масалалар юзасидан бади-тафсил фикр алмашилди.

Учрашувда Ўзбекистон билан Хитой ўртасида турли тоифадаги делегацияларнинг ўзаро ташрифлари мунтазам амалга оширилиб турилганидан мамнуният билдирилди. Томонлар икки томонлама ҳамкорлик қўламини янада кенгайтиришга оид масалалар юзасидан бади-тафсил фикр алмашилди.

тириш зарурлигини таъкидлади.

Учрашувда Ўзбекистон билан Хитой ўртасида турли тоифадаги делегацияларнинг ўзаро ташрифлари мунтазам амалга оширилиб турилганидан мамнуният билдирилди. Томонлар икки томонлама ҳамкорлик қўламини янада кенгайтиришга оид масалалар юзасидан бади-тафсил фикр алмашилди.

(ЎЗА).

### Устюртда Маданият саройи

Устюрт саҳросида қурилаётган Кўнгрот сода заводи мажмуида бир неча юбилей ишоотлари бунёд этилмоқда. Улардан бири - муҳташам Маданият саройи яқинда фойдаланишга топширилди. Миллий меъморлик аъёнчалари асосида бино эитинган саройда кутубхона, турли тўғарлар иш бошлади.

Маданият саройи ишга туширилиши муносабати билан Қорақалпоғистон Республикаси кенг жамоатчилик вакилларининг тантанали йиғилиши бўлиб ўтди. Унда завод ишчиларига мўлжалланган шаҳарча қурилиши деярли тугалланганлиги таъкидланди. Бу ерда 2 ва 4 қаватли 50 та турар-жой биноси бунёд этилди. 320 ўринли мактаб, 95 ўринли болалар боғчиси, тиббий марказ, бозор, 4 та чойхона ва ошхона, "Винклер" фирмаси технологияси билан жиҳозланган новвойхона ишлаб турибди. Бўм-бўш саҳрода 14 гектарлик боғ яратилиб, хиёбон ва кўчалар барпо этилди.

Тантананда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Раиси Т.Қамоллов сўзга чиқиб, Марказий Осиёда ягона ҳисобланган сода заводи мустақилликнинг 10 йиллик байраминга ишга туширилишини айтди.

А.ИСКАНДАРОВ,  
ЎЗА мухбири.

### Ёшлар — Ватан таянчи

## Қурултойга делегатлар сайланди

Республика "Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракатининг таъсис қурултойи арафасида вилоятларда йиғилишлар бўлиб ўтмоқда ва делегатлар сайланмоқда. Навоий вилоятида ўтказилган йиғилишда Ҳаракатнинг таъсис қурултойига делегатлар сайланди.

Биз йиғилиш иштирокчилари ҳамда делегатлар билан ижтимоий Ҳаракатнинг келажаги ҳақида суҳбатлашдик.

Асрор ТОШЕВ, Навоий шаҳридаги академик лицей талабаси, делегат:

— Бугун ёшларга берилаётган имконият — ўсиш-улғайиш, ўз инсоний салоҳиятини тўла намойиш этиш, шу тарихи Ватан равнақи, эл-юрт осойишталиги ва халқ фаровонлиги учун хизмат қилиш, бахту саодатини ўз қўли билан яратиш имконияти демократ. Мен Ҳаракат ёшлар-

нинг ҳақиқий ҳамфиكري, маслаҳатгўйи, таянчи бўлишига ишонаман. Шу жараёнда фаол иштирок этишини ўзим учун шараф ва бурч деб биламан.

Лола МУҲАММАДИЕВА, Навбахор туманидаги Увайсий номидаги мактаб ўқитувчиси:

— Ижтимоий ҳаракатнинг вазифаси ёшларни фақат бирлаштирибгина қолмай, балки уларнинг орзу-интилишлари учун соғлом ва рақобатли му-

ҳит яратиш, вояга етаётган яшловнинг жамиятда муносиб ўрин эгаллашига қўмақлашишдан иборат, деб биламан. У ёшлар кўнглига йўл топишига, орзу-интилишлари, ҳаётий муаммоларига шेरлик бўлишига, уларни озод Ватанимизнинг истиқболи йўлида бунёдкорлик ишларига даъват этишига аминман.

Зебунисо ИСОНОВА, Навоий Давлат қончилик институти ҳузуридagi


19-лицей-интернат ўқувчиси, Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндори, делегат:

— Янги аср мамлакатимиз ҳаётига янгилашлар, ўзгаришлар асри бўлиб кираиб келмоқда. Бу йил жонажон Ватанимиз мустақиллигининг 10 йиллиги кенг нишонланади. Шу билан бирга шаҳримизда бобокондонимиз, буюк мутафаккир Алишер Навоий таваллудининг 560 йиллиги қизгин нишонланмоқда. Ана шундай ўзгаришлар йилида "Қамолот", шубҳасиз, миллат ёшларини янги-янги ўфқларга бошловчи Ҳаракат бўлиб дунёга келди.

Ёркул УМАР,  
ЎЗА мухбири.

### Мустақиллик иншоотлари

## Бунда бунёд бўлар ажиб бир дунё



Инсон қўллари мўъжиза яратишга қодир. Шу кунларда келинчакдек ороланиб, тобора чирой очаётган шаҳар ва қишлоқларимизнинг кўркам, жозибали кийёфасини кўрганда, беихтиёр юқоридаги фикр ҳаёлингизда ўтади. Айниқса, бош кентимиз — Тошкент одатдагидек қурилиш ва бунёдкорлик ишларининг марказига айланган. Мабодро, бунга заррача шубҳангиз бўлса, вақтингизни қизганманг-у, ўзида миллий ва замонавий меъморчилик аъёнчаларини уйғунлаштирган ноёб, салобатли қошаларини завқ билан томоша қилинг, жаҳон андозаларига мос йўл ва кўприкларни қадам-бақадам кезинг, кишин-ёзин гўзаллик тарқ этмайдиган боғу хиёбонларда сайр қилинг. Улар сизни файзли, оромбахш оғушига оларкан, эвазига фақат... ҳайрат сўрайди!

Туйга муносиб тўёна билан борини халқимизга хос азалий одат. Мустақиллик кунига қадар пойтахтимизда халқ хўжалиги аҳамиятига молик кўпгина объектларини фойдаланишга топшириш кўзда тутиляпти. «Юнусобод» теннис мажмуи таркибига кирувчи кўш қаватли сув спорти саройи ана шулардан биридир. Унинг пойдевори 1999 йил сентябр ойида қўйилган. Лойиҳа ишлари эса «Тошшаҳарлоийҳа» институти олимлари томонидан амалга оширилди.

Мамлакатимизда сув спортини ривожлантириш учун катта имкониятлар мавжуд. Гап уллардан ўз ўрнида, расамади билан фойдалана билишдадир. Очигини айтганда, шаҳримизда ёш истеъоддорларни ўз бағрига оладиган ана шундай яхлит, замонавий сузиш ҳавзасига ҳаётий эҳтиёж бор эди. Бу шарафли вазифани рўёбга чиқариш, тўғрисида, маблаг билан таъминлаш буюртмачи — «Узоқиқовқаттаъминот» давлат акциядорлик компанияси зиммасига тушди.

— Кўриб турганингиздек, янги иншоотда иш мароми шиддат билан давом этапти, — дейди пудратчи — «Садо тараққиёти» республика бирлашмаси капитал қурилиш бўлими бошлиғи Алишер Солиқов. — Фурсат ғанимат. Шошилмасак бўлмайди. Бинони истиқлол байрамингача тўла-тўқис қўлдан чиқариб, фойдаланишга топширишимиз лозим.

— Қурилишнинг «тоши» оғирроқ кўринади. Улгура-сизларни ишқилиб? — Албатта. Барча саъй-ҳаракатларимиз ана шу мақсадга қаратилган. Энг муҳими, техника ва ишчи кучи етарли, ажратилган сармоёллар ўз вақтида ўзлаштириляпти. Натяжа чакки эмас. Иншоотдаги асосий ишлар ниҳонсига етказилди. Мен бу ўринда бино томи, эшик-деразалари, муҳандислик-коммуникация шохобчаси кабиларни назарда тутаяман. Телефон, иссиқ ва совуқ сув, канализация, электр узатиш тармоқлари зарур нуқталаргача тортиб келинди. Ҳозирда бинонинг ички ва ташқи пардоз ишлари амалга ошириляпти.

(Давоми 2-бетда).

## Шифобахш ёғ — заминимиз тухфаси

Тошкентдаги Ўзбекистон-Австрия «Асос» қўшма корхонаси ва Фаргона вилоятининг Учкўприк туманида фаолият юритаётган «Меҳриғиб» хусусий корхона мутахассислари мустақилликнинг 10 йиллигига муносиб совға ҳозирлашди: муттасил изланиш натижасида Урта Осиёда биринчи бўлиб район, жамбил, канақунжут, седана, исирик каби доривор ўсимликлар уруғидан шифобахш ёғ олинди. Эндликда олинган махсулот ўсимлик моддалари кимёси институти ва фармацевтика институти лабораторияларида синовдан ўтказиляпти.

Ўз мухбиримиз.

## Оқсоқотасойдаги синов

Тошкент вилоятининг Бўстонлик туманидаги Чак-Чам қишлоғида «Сув тоқшини, сел ва кўчки жараёнлари сабабли фавқулодда вазиятлар юз берганда уларнинг олдини олиш ва ҳаракат қилиш давлат тизими бошқарув органлари, хизмат ҳамда тузилмаларининг ҳаракатлари» мавзусида республика кўргазмали тактик-махсус ўқув машқи ўтказилди.

Мамлакатимизда илк бор кенг мақсадда ташкил этилган маскур тадбирда Фақуллода вазиятлар, Ички ишлар, Соғлиқни сақлаш вазирлиқлари, «Узвотранс» Давлат концерни, Ўзбекистон почта ва телекоммуникация агентлиги, Республика Қизил Ярм ой жаминти Миллий кенгаши кутқарув бўлиналари, Тошкент вилоят фақуллода вазиятлар бошқармаси авария-кутқарув кучлари иштирок этди. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридан табиий офатларнинг олдини олиш билан бевосита ва билимсизта шуғулланувчи ташкилотлар вакиллари қатнашган учун машқлар айни вақтда тажриба алмашиш вазифасини ҳам ўтади.

(Давоми 2-бетда).

# Солиқ кодекси

## У жойларда қандай ижро этилмоқда? Қандай камчилик ва муаммолар бор?

**Мухбиримиз Олий Мажлис Бюджет, банк ва молия масалалари кўмитаси раиси Абдурафик АҲАДОВГА ана шундай саволлар билан мулоқот қилди.**

— *Авал хабар қилганимиздек, кўмига аъзолари Солиқ кодексининг Тошкент вилоятидаги ижросини ўрганиш ва унинг натижалари кўмига ҳақда вилоят ҳокимлигидаги йиғилишларда муҳокама қилинган эди. Биз, агар қарши бўлмасангиз, ҳозир фақат мажмууд муаммо ва камчиликлар ҳақида гапласан. Чунки шунга ўхшаш муаммо ва камчиликлар бошқа вилоят ва шаҳарларимизда ҳам бўлиши эҳтимолдан холи эмас. Ва бу умумий ишмига ҳар жиҳатдан ёрдам беради, деб умид қиламан.*

— Галингизга қўйиламан. Дарҳақиқат, Солиқ кодексининг Тошкент вилоятидаги ижросини ўрганиш пайтида ютуқлар билан биргаликда жуда кўп камчилик ва муаммолар ҳам пайдо бўлаётганини аниқладик. Булар ҳақида бугун айтишимиз ва уларнинг олдини олиш чора-тадбирларини кўришимиз керак. Қаранг, ўтган йилнинг ўзида биргина Тошкент вилоятида бўлган субъектлар томонидан 998,1 миллион сўмлик солиқ олди равиши яширилган, яъни бу ҳақда солиқ идораларига ўз вақтида ҳисобот берилмаган. Биз онгли равишда деган иборани бекорга ишлатмаймиш. Нима, ўша корхонанинг раҳбари ёки бош ҳисобчиси бунни билмаганми? Билган, жуда яхши билган, лекин билиб-билмасликка олган. Бундан бошқача бўлиши мумкин эмас.

— *Бунга фақат корхона айборми? Солиқчи-чи? Солиқ инспекцияси-чи? Улар ҳам қарашмасан ёки кўрмасан, десан кўнчилиги шонтириши қийин-да?*

— Тўғри, қарс икки қўлдан, деган ҳикмати тан олмасликнинг имкони йўқ. Бу аслида айтиш икки киши — раҳбар ва бош ҳисобчининг масъулиятсизлигидан бошқа нарса эмас. Чунки Солиқ кодексига уларнинг аниқ жавобларини белгилаган. Қаранг, ўша корхоналар солиқдан қочганини ва уни яширатганини учун 1148,4 миллион сўм миқдорда жарима тўлаган. Одатда жарима соф фойдаланган бўлади. Кимга зарар, кимга фойда? Агар солиқларни ўз вақтида тўлаганда шундай бўлардики? Бу, биринчидан, ўша корхонани молиявий жиҳатдан заифлаштиради, иккинчидан, янги иш жойларини ташкил қилишга имконияти қолмайди. Пировадидан ким кўп зарар кўради, албатта, ишчи ва хизматчи-да.

— *Агар адашмасан кўмига йиғилишда вилоятда корхона ва ташкилотларнинг солиқлар ҳақида бюджетга тўловлар бўйича қарзи уч миллиард сўмдан ортақ экани айтылган эди. Сиз бунинг сабабларини қандай изоҳлаган бўлардингиз?*

— Бунинг бир қанча сабаби бор. Биринчиси, юқорида эслатганимдек, мансабдор шахсларнинг ҳаммаси ҳам солиқ ҳақидаги қонун ҳужжатларини яхши билмайдилар. Иккинчиси, унинг тескарисини, яъни била туриб солиқларни тўлашдан бош тортадилар. Учинчи сабаби эса ҳўжалик юритувчи субъектларнинг ҳаммаси ҳам шартнома асосида ишламаганини, шартнома тузилса ҳам унга риоя қилинмаслиги, тўловларнинг ўз вақ-

тида ва тўлиқ амалга оширилмаслигидир. Бу эса, табиийки, ўша корхоналарнинг дебиторлик ва кредиторлик қарзларининг ошishi ҳамда бюджетта маблағларнинг ўз вақтида келиб тушмаслигига сабаб бўлаётти.

Тўғригинчи, ҳамма корхоналар ҳам ишлаб чиқараётган маҳсулотларнинг рақобатбардорлигига эътибор бераётти, деб бўлмади. Оқибатда тайёр маҳсулотларнинг ҳузурини омборлар кўраётти, очқорқоқ айтганда, сотилмай қоляпти.

— *Аниқ мисоллар келтира оласизми?*

— Масалан, 2001 йил январ ҳолатига кўра республика бўйича омборларда сотилмай қолган тайёр маҳсулотларнинг 12, мей-бран ортиқ маҳсулотларнинг 20 фоизи Тошкент вилояти ҳиссасига тўғри келяпти.

Яна бир сабаби бухгалтерия ҳисоби ва солиқлар бўйича ҳисоб-китобларнинг бузиб кўрсатилиши билан боғлиқ ҳолатларнинг мавжудлигидир.

Бундан ташқари, вилоятда солиқ ҳақидаги қонун ҳужжатларига киритилган ўзгариш ва қўшимчалар солиқ тўловчилар эътиборига ўз вақтида етказилмапти. Вилоят ҳокимининг маҳаллий солиқлар ставкалари ва тадбиркорлик фаолиятининг айрим турлари бўйича қатъий белгилаган солиқни тасдиқлаш тўғрисидаги қарорлари нисбатан кеч қилинган.

Солиқ кодексини ўрганиш жараёнида ана шу нарса аниқландики, корхоналар, ташкилотлар, муассасаларнинг молия-иқтисод, ҳисоб-китоб бўлимининг айрим раҳбар ва ҳодимлари малакасини, масъулиятини ошириш лозим. Масалан, Янгийўл вино заводи бош бухгалтери 2001 йилда солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларига киритилган ўзгаришларни биз бор-гунчага ўрганиб чиққан эмас. Савдо билан шуғулланувчи кўпгина ташкилотларнинг ҳодимлари 2001 йилнинг 1 январидан бошлаб тамаки ва спиртни ичимлик маҳсулотларини сотиш учун маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан бериладиган рухсатномаларга эга бўлиш кераклигини билишмапти. Умумий оқватганим, озиқ-овқат ва хизмат кўрсатиш соҳасида яқка тартибда ишлайдиган жисмоний шахслар миқозлар ўтиридан жойлар сонига қараб белгилаган солиқ тўлашининг янги тартибига ўтиганидан хабардор эмаслар.

Ўрганиш жараёнида ана бир қанча ҳолатларга дуч келдик. Масалан, Тошкент туманидаги «Болгар-шароб» қўшма корхонаси акциз маркарлари корхона кассасида эмас, унинг раҳбари «Шейфа»да сақланаётганининг тўғри бўлди. Энг қизиги, корхонанинг бундан олдинги раҳбари ана шундай камчиликларни учун ишдан четлатилган экан. Бунни қандай тушуниш керак: сабоқ чиқаришми ёки ўрнат олиш? Янги бир мисол. Шу тумандаги «Меҳнат» кичик корхонасида 100 киши ишлаётганига бир йилдан ошган. Лекин у ҳанузгача кичик корхона сифатида рўйхатда турибди. Белгилаган тартибга мувофиқ у қайта рўйхатдан ўтиши керак эди. Еки айрим йирик савдо дўконларининг товар айланмаси бир ойда ўртача 1 миллион сўмдан ошиб кетган бўлишига қарамай, жисмоний шахс сифатида фаолият кўрсатяпти. Қондага мувофиқ у алақачон юридик шахс мақомини олиши керак эди. Бундан қўзлан-

ган мақсад бор, албатта. Бу ҳам бўлса, солиқдан қочиш. Чунки у агар жисмоний шахс бўлса, солиқнинг қатъий белгилаган турини тўлайди, холос. Натижада товарларнинг миқдори ҳисобга олинмайди, товар айланмаси тегишли бухгалтерия ва статистика ҳисоботларида акс эттирильмайди. Бу эса ҳўжалик юритувчи субъектлар олаидан даромадлар устидан назоратнинг сустлигидан далоятдир. Ана шундай йўллар билан даромаднинг бир қисми солиққа тортилмай қолмоқда. Яна бир ҳолат шундай иборатки, яқка тартибда ишлайдиган айрим дўкон, сартарошхона ва ошхоналар ҳокимликларнинг рўйхатидан ўтишмагани етмаганидек, асосан, ёлланма ишчиларнинг меҳнатидан фойдаланишмоқда. Қонунда улар ёлланма ишчилардан фойдаланишлари мумкин эмас.

Ҳўжалик юритувчи субъектлар фаолиятидаги асосий камчиликлардан яна бири шундаки, «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги Қонунга мувофиқ ишлаб чиқилган бухгалтерия ҳисоботининг миллий стандартлари деярли қўлланилмайпти. Шу сабабли, жойларда бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини юритиш талаб даражасида эмас. Бу ўз на-вбадида солиқларни ҳисоблаш ва уларни бюджетга тўлашда хатоликларга олиб келмоқда.

Маълумки амалдаги қонунларга мувофиқ маҳаллий бюджетларнинг ижро этилишини кўриб чиқиш ва қабул қилиш маҳаллий Кенгашлар зиммасига юклатилган. Агар бу жараёнда маҳаллий Кенгашларнинг доимий комиссиялари, сиёсий партияларнинг вакиллик органларидан аъзолари — маҳаллий Кенгаш депутатлари фаол иштирок этишса, ёхуд ўз диққатини жалб қилса фойдалан холи бўлмасди. Бирок текширувлар шуни кўрсатди, Тошкент вилоятидаги барча даражадаги Кенгашларнинг сессияларида, 2000 йил бюджетининг ижроси кўп ҳолларда чўқур таҳлил этилмаган. Бундай ҳолатни 2001 йил бюджетини қабул қилишда ҳам кузатиш мумкин. Чунки у модала-модала эмас, аксинча, юзаси муҳокама қилинган.

Маҳаллий бюджетни кўриб чиқиш ва қабул қилиш жараёнида Кенгашлардаги депутатлар ҳамда доимий комиссияларнинг ўрни аниқ заиф.

Яна шуни айтиш жоизки, Солиқ кодексини ижросини ўрганиш жараёнида бир қатор тақлиф ва мулоҳазалар ҳам пайдо бўлди. Масалан, қишлоқ ҳўжалик корхонаси сифатида рўйхатга олинган айрим ҳўжалик юритувчи субъектлар, асосан, савдо-воситачилик билан шуғулланса-да, лекин фақат ер солигини тўлашяпти. Мута-сади кишилар эса, афсуски бунга эътибор берамгяптилар.


Яна шу нарса аниқ бўлдики, айрим даромадлар бўйича солиқ имтиёзларидан фойдаланишда харажатларни тақсимлаш муаммоси мавжуд. Шунингдек, Солиқ кодексига назарда тутилган молиявий жазо чорасини қўллаш тартибини ҳам мутасадди идоралар қайтадан кўриб чиқишлари мақсадга мувофиқдир. Чунки ана шу модалага мувофиқ сўт-фактураларни расмийлаштиришда ҳатто техник хатога йўл қўйилган тақдирда ҳам сотилган маҳсулот қийматининг 10 фоизи миқдорда молиявий жазо чораси қўлланилади. Бизнингча, Давлат бюджетига зарар етказилган тақдирдагина сўт-фактураларни расмийлаштириш тартибини бузганлик учун молиявий жазо чораси қўлланилиши, тўғри бўлади.

**«Халқ сўзи» мухбири Исмаил ХУДОЁРОВ сўхбатлашди.**

даси бўлмайди. Зах сувлар тортилиб, коллекторларга етиб бормайди. Кузда тозаланган зовур баҳорга етмай аввалги ҳолатига келиб қолади. Бу гапларни кўп йиллик тажрибамдан келиб чиқиб гапирялман. Агар биз бу йил ирригация шохобчаларини таъмирлашни режалаштирсак, ёзёвонлик қўшниларимиз келгуси йили кўл урамиз, дейишарди, бўзликлар эса бу ишни яна бошқа муддатга белгилашарди.

Маълумки икки ой муддатда ерларнинг мелiorатив ҳолатини яхшилаш бўйича 2001-2005 йилларга ва 2010 йилгача бўлган истиқболга мўлжалланган дастурни ишлаб чиқиш вази-фаси топширилди. Бу дастурда фақат ҳўжаликлар, туманлараро муаммолар ўз ифодасини тоғмай, ер қайси вилоятга қарашидан қатъий назар, ҳудудий манфаатлар кўзда тутилса, айна мударо бўларди.

**Комилжон МАМАЖОНОВ, Тошқоқ туманидаги Мароққов номи ширкат ҳўжалиги бошқаруви раиси, Ўзбекистон Қаҳрамони.**



# Конституцияни ўрганишга эътибор

Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди «Ахборотномаси»нинг навбатдаги бешинчи сони нашрдан чиқди. У мамлакатимиз Президентини Ислам Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 8 йиллигига бағишланган тантанали маросимда сўзлаган нутқи билан бошланади.

«Расмий ҳужжатлар» бўлимида давлатимиз раҳбарининг «Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганишга эътибор» мақоладаги фикр юритилади.

Ҳокимиятнинг тўлақонли, мустақил тармоғи сифатида фаолият кўрсатиши учун суднинг мустақиллигини таъминлаш борасида нима қилмоқ зарур? Унинг мустақиллигини қаролатловчи қандай омиллар мавжуд? Ушбу мустақиллик нималарда ифода бўлади? Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди раисининг ўринбосари, юридик фанлар номзоди Бахтиёр Мирзобоев «Конституция ва суд ҳокимиятининг мустақиллиги» номи мақолада шу каби саволларга жавоб беради.

Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди фаолият кўрсата бошлаганида яқинда беш йил тўлди. Шу муносабат билан «Ахборотнома» «Демократия ва жамяят» руки остида унинг раиси Баходир Эшоннинг «Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг ташкил топиши ва ривожланиши» мавзусидаги мақоласини эълон қилди. Унда Конституциявий суд фаолиятининг ташкилий асослари, қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятлар ҳужжатларининг Конституцияга мослигига тааллуқли ишларни кўриб чиқиш ҳақида сўз юритилади.

«Ахборотнома»да чоп этилган материаллардан Конституциямизни ўрганишда ўқувчиларга катта ёрдам бериши шубҳасиз.

(Ў.А.)

Умар Чориевнинг «Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг умумий жиҳатлари» номи мақолада давлатимизнинг иқтисодий, иқтисодий, ижтимоий ҳаётидаги ва ташқи сийосатидаги долзарб муаммоларни мувофиқлаштирувчи ҳуқуқий принцип ва нормалар очиб берилган.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси академиги, юридик фанлар доктори Ҳожиакбар Раҳмонқулов ўзининг «Конституция ва хусусий мулк» номи мақолада Асосий Қонунда хусусий мулкка шахсининг нафақат моддий мустақиллиги, балки унинг маънавий эркин-

лигининг ҳам манбаи сифатида қаралишига тўхталган. Асосий Қонунимизнинг 128 та моддасидан учдан бири турли масалаларни тартибга солиш учун алоҳида қонунлар қабул қилинишини кўзда тутади. Чунки ҳаёт жуда кўп қиррали ва мураккаб воқеликларга бой. Бу ҳақда юридик фанлар доктори Фозил Абдураҳимовнинг «Конституция ва қонун ижодкорлиги» номи мақоладаги фикр юритилади.

Ҳокимиятнинг тўлақонли, мустақил тармоғи сифатида фаолият кўрсатиши учун суднинг мустақиллигини таъминлаш борасида нима қилмоқ зарур? Унинг мустақиллигини қаролатловчи қандай омиллар мавжуд? Ушбу мустақиллик нималарда ифода бўлади? Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди раисининг ўринбосари, юридик фанлар номзоди Бахтиёр Мирзобоев «Конституция ва суд ҳокимиятининг мустақиллиги» номи мақолада шу каби саволларга жавоб беради.

Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди фаолият кўрсата бошлаганида яқинда беш йил тўлди. Шу муносабат билан «Ахборотнома» «Демократия ва жамяят» руки остида унинг раиси Баходир Эшоннинг «Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг ташкил топиши ва ривожланиши» мавзусидаги мақоласини эълон қилди. Унда Конституциявий суд фаолиятининг ташкилий асослари, қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятлар ҳужжатларининг Конституцияга мослигига тааллуқли ишларни кўриб чиқиш ҳақида сўз юритилади.

«Ахборотнома»да чоп этилган материаллардан Конституциямизни ўрганишда ўқувчиларга катта ёрдам бериши шубҳасиз.

(Ў.А.)

(Давоми. Боши 1-бетда).

— Айтинг-чи, мазкур сузиш ҳаваси нима учун бошқа йорн жойда эмас, айнан «Юнусобод» теннис корти ёнида барпо этиляпти?

Ушбу саволимизга иншоот бош пудратчиси — «Агрочетэлқурилиш» очик акциядорлик жамяти иш юритувчиси Равшан Ботирқулов куйидагича жавоб берди:

— Теннис саройида қўллаб халқро мусобақалар ўтказиб келинаётганидан баарингиз бор. Чунки у жаҳон андозлари даражасида барпо этилган. Янги сузиш ҳаваси ҳам ана шундай нуфузли мақомга эга бўлади. Мақсад ёш авлодини жисмоний чиниктиришга хизмат қиладиган яхлит, кўп тармоқли спорт мажмуини ву-жудга келтиришдир.

Қурилиш жараёнини кузатган киши бу эзгу ниат буй кўрсатиб келаятганига



# Бунда бунёд бўлар ажиб бир дунё

тўлиқ ишонч ҳосил қилади. Ҳозиргача 3 миллиард сўм маблағ ўлаштирилди. Бунёдкорлик ишларини бекамикўст амалга оширишда чет эллик ҳамкорлар ҳам яқиндан ёрдам кўрсатишмоқда. Чунки, Австриянинг «Теллепан» фирмаси билан 5,5 миллион АҚШ доллари миқдорда шартнома имзоланган. Фирма асосан йирик қурилиш иншоотлари-га замонавий технология етказиб бериш билан шуғулланади.

Кези келганда, яна бир муҳим жиҳатни таъкидлаб ўтиш жоиз. Юртимиз маҳаллий хомашё захираликларига бойлиги боғлиқ ақриллаб туради. Бунни жадал қад ростлаётган мазкур сузиш ҳаваси мисолида ҳам кўриш мумкин. Гап шундаки, уни барпо этишда асосан маҳаллий хомашёдан фойдаланиляпти. Таъминот масаласида ҳар кимнинг ўз ўрни, аниқ ҳиссаи бор. Чунки, «Қизилқумцемент», «Бекободцемент» корхоналари, Бекобод металлургия комбинати, Янгийўл ва Яланғоч гишт заводлари томонидан зарур қурилиш материаллари ўз вақтида етказиб берилмоқда. Бинонинг буй-бастини яратишда Тўйтепа металл буюмлари корхонасида тайёрланган конструкциялардан фойдаланилди. «Тошметаллмонтаж» бошқармаси бунёдкорлари бу ишни қойил-мақом қилиб бажардилар.

— Эътиборингиз учун айтиб қўяй, — дейди А.Солиқов сузини давом эттириб. — Қурилиш ишларини «Ўзбекистоннинг» давлат акциядорлик компанияси маблағи ҳисобидан амалга оширялмиш. Э-юрт ободлигига ўз ҳиссамизни қўша оласан, шунинг ўзи биз учун катта муқофот. Худо хоҳласа, материал ва маблағ таъминотида узиллиш бўлмайди.

Биз ҳам бунга ишонамиш. Ёшлар ҳаётини спорт оламисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Мана, пойтахтимизда улар учун яна бир замонавий мажмуа вужулда келмоқда. Янги иншоот 1500 томошабинни ўз бағрига сиғдира олади. Бу ерда бир йўла 200 нафар ўғил-қиз суви спортини билан шуғулланиши ва ўз маҳоратини ошириши мумкин. Мутахассислар фикрича, бинонинг ички ва ташқи дизайни бир-бирини тақорралади. Шифт ва леворларга шакл беришда миллий меъморчилик анъаналаридан кенг фойдаланиш кўзда тутилмоқда.

Ҳамонки, гап бунёдкорлик шарафи ҳақида бораётган экан, қалб юрти ва касб маҳорати ила янги қосонага сайқал бераётган бинорлар шайнига икки оғиз илиқ сўз айтмасдан ўтиб бўлмайди. Уни барпо этишда республикадаги 20 дан зиёд кўп тармоқли қурилиш

ташкilotлари иштирок этилмоқда. Сувоқ, монтаж, пайвандлаш, бўёқ ишлари бир-бирига уйғун тарзда олиб борилаётганининг боиси шунда. Исеңк-сувоқ демай, қурилиш майдонида жаллон ураётган 200 дан зиёд кишини номма-ном санашнинг иложи йўқ, албатта. Шу боис Собир Қўлдошев, Анвар Жўраев, Ирина Пуғачева, Азамат Ҳақимов, Сергей Фоменко, Азамат Ҳайдаров каби филоий қурувчиларнинг номини алоҳида таъкидлаш билан чекланамиш. Мажмуанинг йўл ва йўлакларига куларанг, бежирим гулдор гишт этикзилди. Ҳозир бу иш бошлаб юборилган. Шунингдек, лойиҳада кўзда тутилган массажа, душ, тиббиёт хоналари, спорт зали, матбуот ва видеоназорат шохобчалари ҳам навбат билан қўлдан чиқарилиб, фойдаланиш учун тайёрланмоқда.

Ҳа, шаҳримиз жамодини яна бир кўркам, маҳобатли иншоот бойитадиган бўлди. Бунни мутахассислар ҳам бир овоздан тасдиқлашмоқда. Зотан, янги спорт мажмуи хизмат қўламини билангина эмас, ўзига хос меъморий ечими жиҳатидан ҳам бетакрор. Унинг кенг ва ёруғ заллари шўх-шодон овозларга тўлаётган кунлар узоқ эмас.

**Носир ТОШЕВ, «Халқ сўзи» мухбири, Даврон АҲМАД олган суратлар.**

# Йўллар юртимизнинг кўркидир



Қорақалпоғистон автомобиль йўллари вазириликка қарашли Нукус автомобиль йўлларидан фойдаланиш бошқармаси жамоаси республика ҳудудида янги йўлларни барпо этиш, эскиларини таъмирлаш борасида катта ишларни амалга оширмоқда. Айни кунларда йўлсозлар «Нукус-Тўртқўл» магистрал йўлини таъмирламоқдалар. У фойдаланишга топширилган, минтақа

жамоли янада чирой очади, транспорт қатнови яхши йўлга қўйилади. **СУРАТДА: ҳайдовчи Максмет Ернараров, экскаваторчи Сейтмийз Матиев ва иш юритувчи Бахит Нажимов навбатдаги ишлар ҳақида сўхбатлашмоқдалар.**

Омонбой МУРОТОВ (Ў.А.) олган сурат.

# Мулоҳаза Манфаатлар уйғунлашса...

Ҳўжалигимиз Марказий Фарғонадаги қалдироғ жамоалардан ҳисобланади. Мана, салкам ярим асрдан бери чўлуқварлар сафиданман. Ерларимизнинг бир томони Буз, иккинчи томони Ёзёвон чўлларига туташиб кетган. Шўр ва зах босган ерларда деҳқончилик қилишининг ўзи бўлмайди. Фақат агротехникага таяниб, минерал ўт билан ҳосилдорликни ошираман, деган деҳқон бизнинг шароитда ютказиб қўйди.

Чўлуқварлар бу ҳақиқатни яхши билишарди. Ҳудуд ирригация тизимлари нафақат ички ҳўжалик бўйича, балки ҳўжаликлар қалдаро ҳам бир-бирига чамбарчас боғлиқ бўлади. Буни Юрбосчимиз Вазирав Маҳамасининг мажлисида чўқур асослаб, стра-

тетик йўналишларини белгилаб берганди. Шу уринда анчадан бери дилимда туриб юрган фикрларимни очик айтмоқчиман. Сўнгги йилларда бир қатор ҳўжаликларда пахта ҳосилдорлиги пасайиб кетганининг сабабларидан бири — мелiorатив мувозанатининг бузилганини, ирригация иншоотларининг халдан зиёд «эзиб» ишлатилганиги асосатидир. Айниқса, 80-йилларда бизнинг минтақадаги ирригация тизимларини таъмирлаш, тозалаш бўйича бирор-бир иш бажарилмади. Муаммолар кўтарилди, тадбирлар белгилашди, аммо ҳаммаси коғозда қолиб кетаверди. Ирригация шохобчалари бир-бирига туташиб кетган. Биз зовур қазисак-да, қўшиларимиз кўл қовуштириб ўтираверса, ҳеч фой-



Теннис

Жаҳон гуруҳига бир қадам

Бир асрдан зиёд вақтдан бери ўтказиб келинаётган Дэвис кубоги баҳслари норасмий жаҳон чемпионати деб ҳам аталади. Ана шу беллашувларда Ўзбекистон теннисчилари ҳам кейинги йилларда муваффақиятли иштирок этишмоқда.



ХИЗМАТ ҚИЛГАННИНГ ҚАДРИ ҲАМ, БАЛАНД ҚАДАБИ ҲАМ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ҳарбий ва муқобил хизматнинг белгиланган муддатларини ўтаб бўлган шахсларни Куролли Кучлар сафларидан захирага бўшатиш ҳамда фуқароларнинг муқобил хизматига муқобил хизматга навбатдаги чақириш тўғрисида» қарори чиқди.

Ҳа, уларнинг сўзларидан Ватанини ҳимоялаш ҳар биримизнинг бурчимиз, деган маънони ўқиб қийин эмас. Конституциямизда ёзиб қўйилган қўйидаги фикрлар ҳар бир аскарнинг қалбига сингиб кетгандай: «...мамакатини мудофаа қилиш давлатнинг энг муҳим вазифаларидан бири бўлиб, Ўзбекистон Республикаси ҳудудда истиқомат қилувчи барча фуқароларнинг вазифасидир.

Баҳорги ҳарбий чақириқ

фуқароларнинг конституциявий бурчидир». Яқинда Ўзбекистон Республикаси ИИВ Қоровул кўшнларига тегишли жамоаларидан бўлиб, ёш аскарларга яратилган шартитлар билан танишдик.

заңларини кўргани келган ота-оналарни бўлима ҳаёти билан таништиришдан бошлайди. Унинг гапига қараганда, ота-оналар аскарларнинг яшаш, хизмат қилиш, дам олиш, спорт билан шуғулланиш шартитларини ўз кўзлари билан кўргач, кўнгилларини тўқ қилиб уйга қайтадилар.

ўйлантирганди. Уч ойдан сўнг ўғлим хизмат қилаётган ҳарбий қисмда бўлагимда юқоридаги хавотирларим асосиз эканлигини қалбдан билдим. Озода оишона, ётоқхона, дам олиш хоналаридаги саранжом-саримталикдан қувондим. Ҳарбий қисм кўмондонлигига чин дилдан раҳматлар айтаман.

Турбонж Ҳамидов, Хатирчи туманида яшовчи пенсионер». Бухородаги бир бўлимада бўлганимизда, офицер Гулмурот Бобоева «Аскарларнинг орасидан хизматдан бўйин товлашга ҳаракат қилувчилар ҳам чиққанми?», деб сўраганимизда, у «...ҳозирча ундайлар йўқ. Аммо аскарга кўнгилдагидай муносабат бўлмаган, назорат сусайган жойда бундай ҳолат содир бўлиши ҳеч гап эмас. Аскар бир дақиқа ҳам назоратсиз қолмаслиги керак. Бу муҳим масала», деб жавоб берди.

Кураш

Китъамизнинг кучли полвонлари

шу йилнинг 28-29 апрел кунлари ўзбек кураши бўйича Осиё чемпиони унвонини қўлга киритиш учун Тошкентда тўпланадилар



Корея, Сингапур, Туркменистон, Япония, Қозғоғистон, Непал, Монғолия, Тожикистон, Шри-Ланка, Эрон, Қирғизистон ва Бангладеш полвонлари беллашууда қатнашишини маълум қилишди.

— Мазкур мусобақа ўзбек курашининг истиқболини белгилашда жуда катта аҳамият касб этади, — дейди Халқаро кураш ассоциацияси спорт департаменти директори Боймурод Юсулов. — Сабаби, бу чемпионатта номдор спортчилар билан бирга қўйлаб халқаро курашчилар келадди. Жумладан, Осиё олимпиада кўмитаси бош котиби жаноб Сингх, Халқаро Олимпиада кўмитаси аъзоси Таба Хашими, Осиё кураш конфедерацияси президенти Жагдеш Теллерларни санаб ўтиш мумкин.

Озод БЕК, «Халқ Сўзи» мухбири

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ МАЪЛУМ ҚИЛАДИ:

(Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг умумий мажбурий тусдаги меъёрий ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида 2001 йил 2 апрелдан 7 апрелга қадар бўлган мавзуда)

- I. Давлат рўйхатидан ўтказилди: 1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг «Асосий воситаларни баланسدан чиқариш тартиби тўғрисидаги низоми тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи. 2001 йил 5 апрелда 1023-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2001 йил 15 апрелдан кучга киради).

Республика хўжалик ҳисобидаги пудрат савдоларини (тендер) ўтказиш бошқармасининг БУХОРО ВИЛОЯТ ФИЛИАЛИ

республика ҳудудид ва ундан ташқарида жойлашган барча ҳуқуқий ва жисмоний шахс бўлган таъминотчиларни Бухоро вилоятида қурилаётган иншоотлар учун керак бўлган қурилиш маҳсулотлари, конструкциялари, электр ўтказгич маҳсулотлари, ёритиш ускуналари, мебел жиҳозлари, кир ювиш ускуналари, ошхона ускуналари ва жиҳозлари, совушти ускуналари, сув таъминоти ускуналари ва бошқа қурилиш иншоотларида қўлланиладиган маҳсулотлар

«Узпаррандасаноат» уюшмаси Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, қишлоқ ва сув хўжалиги вазيري Туроп Холтосева ўли КАМОЛИДДИНнинг бевақт вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Advertisement for 'APKO' products, featuring images of various food items like 'Lazat' and 'Qashqadaryo' biscuits. Text includes 'Ўзаро манфаатли шартларда узоқ муддатли ҳамкорликка таклиф этамиз' and contact information for 'Корхона манзили' and 'Минтақалардаги улгуржи-чакана омборхоналар манзили'.

«ХАЛҚ СҰЗИ» «НАРОДНОЕ СЛОВО»

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир: Аббосхон УСМОНОВ

Тахрир хайъати: Э. БОЛИЕВ (масъул котиб — «Халқ сўзи»), М. ЕГОРОВ (масъул котиб — «Народное слово»), Ш. ЖАББОРОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»), С. ЗИНИН, М. МИРАЛИМОВ, С. МУҲИДИНОВ, Ш. РИЗАЕВ, М. САФАРОВ, Р. ФАРҲОДИЙ, И. ХУДОЕВ, И. ШОҒУЛОВ, О. ҚАЙПБЕРГЕНОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Народное слово»), Ҳ. ҚОШИМОВ.

БЎЛИМЛАР:

- Ижтимоий-сиёсий ҳаёт — 133-57-34; 133-78-92
Иқтисодиёт — 136-36-65; 132-10-65
Маънавият ва маърифат — 136-35-60; 136-35-60;
Газетхоналар билан алоқа ва минтақалар — 136-29-89; 133-07-48;
Фан, соғлиқни сақлаш ва халқ таълими — 132-12-08;
Янгиликлар ва халқаро ҳаёт — 132-11-15;
Котибият — 133-10-28;
Эълонлар — 136-09-25.

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 00001-рақам билан рўйхатга олинган. Буюртма Г — 2315, 18042 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қўроғ бичими А—2.

Газета тахририят компьютер базасида терилди ҳамда операторлар Ж. ТОҒАЕВ ва З. БОЛТАЕВ томонидан саҳифаланди.

Навбатчи котиб — Ю. ҲАМИДОВ. Навбатчи муҳаррир — А. ҲАЙДАРОВ. Навбатчи — Э. МАВЛОНОВ. Мусакхх — О. АБДУАЗИМОВ.

• МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Тахририятда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.

«Шарк» нашрийт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41.

Босишга топшириш вақти — 21.00. Топширилади — 23.30. 1 2 3 4 5 6